

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

<b>А.Юсупов</b>	
ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари .....	106
<b>И.Боҳодиров</b>	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти .....	112
<b>С.Холиков</b>	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни.....	118
<b>А.Юлдашов</b>	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари.....	122
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>А.Сабирдинов</b>	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати .....	126
<b>Д.Қаландарова</b>	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида .....	129
<b>Н.Сабиров</b>	
Москва савдо компанияси Лондон токирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси.....	134
<b>А.Абдурахмонов</b>	
Насрий асарда ранг – лейтмотив .....	137
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>О.Латипов</b>	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти.....	140
<b>Я.Нишанов</b>	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари .....	146
<b>Ш.Искандарова, З.Маруфова</b>	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши .....	150
<b>М.Турсунова</b>	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи .....	153
<b>Т.Алимов</b>	
Таржима назарияси ва амалиёти.....	157
<b>М.Сайдова, Н.Расулова</b>	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили .....	161
<b>ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Оиладаги ижтимоий мухит ва гендер тенглик .....	166
<b>Б.Ходжаев</b>	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги .....	172
<b>Г.Назарова</b>	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари .....	176
<b>Г.Алимжонова</b>	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари.....	182
<b>ИЛМИЙ АҲБОРОТ</b>	
<b>Б.Абдуганиев, Н.Азимова</b>	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш .....	186

УДК: 8-1/808

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ШЕЪРИЙ МАҲОРАТИ

ПОЭТИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО АБДУЛЛЫ ОРИПОВА

THE POETIC SKILL OF ABDULLA ARIPOV

Сабирдинов Акбар Гофурович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Сабирдинов Акбар Гофурович

— Фарғона давлат университети, филология фанлари доктори.

**Аннотация**

Мақолада Абдулла Ориповнинг “Куз хаёллари” шеъри таҳлили орқали шоирнинг сўз қўллаши маҳорати ёритилган. Тасвирий ифода ва воситалардан, шеърий санъатлардан фойдаланиб чуқур фалсафий фикрни сатрларга сингдиришдаги шоир маҳорати тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье освещается мастерство использования слов Абдуллой Ориповым посредством анализа стихотворения поэта "Осенние фантазии". Исследовано умение поэта отражать глубокую философскую мысль в поэтических строках с помощью изобразительных средств, а также искусства стихосложения.

**Annotation**

The article emphasizes the poet's skill in using words through the analysis of Abdulla Oripov's poem "Autumn Dreams". The poet's ability to break a deep philosophical thought into lines is studied with the help of visual expressions and tools, poetic art.

**Таянч сўз ва иборалар:** сўз, шеърий санъатлар, бадиий маҳорат, фалсафий фикр, тасвирий воситалар, банд тизимлари, қофиядош сўзлар.

**Ключевые слова и выражения:** слово, искусство стихосложения, художественное мастерство, философская мысль, изобразительные средства, стихотворная строфа, рифмованные слова.

**Key words and expressions:** words, poetic art, artistic skills, philosophical thought, visual means, stanza poems, rhymed words.

Улуғ рус шоири Н.А.Некрасов ёзади: “Ушбу қоидага ҳамиша амал қил: сўзларга – торлик, фикрларга эса кенглик керак”[1,224]. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шеърлари билан танишар эканмиз, ушбу қоида нечоғлик тўғри эканлигини яққолроқ ҳис этамиз. Асарларга сўзларни узукка кўз қўйгандай жойлаштира олиш, сатрларни бандга маржондай тера билиш, шеърий контекстда ҳар бир сўзни созланган рубоб торидай жаранг сочтириб, оҳанг ва маъно салмоғини юзага келтириш ҳассос ижодкор услубига хос жиҳатлардандир. Оз сўзли тор шеър майдонида кенг, улкан фикр айта билиш Абдулла Орипов шеърияти жозибадорлигини таъминлаган. Шоир табиатнинг бетакрор оний манзараларини турфа ранг ва ҳолатлари билан тасвирларкан, одамзот борлиқнинг бўллаги эканини чуқур ҳис этгани ҳолда ўткинчилик ва абадият, умр ва борлиқ ўртасида ўйғунликни топа билади. Масалан, унинг “Куз хаёллари” (1962) шеърида шоир табиатнинг бетакрор манзараларидан ҳайрати меҳр деб

аталмиш буюк инсоний фазилатни улуғловчи тараннум билан уйғунлашиб кетади:

Қорайганда узоқ тоғларнинг қори,  
Боғларга чўкканда оқшомги туман,  
Совуқ куз елидан жунжикиб, нари  
Очиқ айвон остин этганда маскан,  
Дўстгинам, хаёлан қучаман сени,

Хазон даврасида кутаман сени. [2,19]

Шоирнинг юқоридаги сатрлари беихтиёр буюк Алишер Навойнинг “Хазон сипоҳига, эй бөгбон, эмас монеъ, Бу боя томига гар иғнадин тикан қилғил” мисраларини ёдимизга солади. Шоир гўзал кузнинг бетакрор тароватидан баҳра оларкан, умрнинг қисқа эканлигини, борлиқ ҳаракатининг абадийлигини чуқур ҳис этади. Дўстини қошига чорлар экан, инсоннинг бу ёруғ оламда меҳмон эканлигига ишора қилади.

Бир қарашда инсон умри саноқли ойларда яшнаб хазон бўлгувчи дарахт япроқлари ва гуллардан узундек, бир қарашда ҳар йили такрорланадиган куздан эса қисқадек туюлади.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бунда бары гүзәл: тим қора осмон,  
Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи.  
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам  
Совуқ ва ёқимли: шундоқ анвойи,  
Уларга боқаман, тұнаман баъзан,

Ширин бир хаёлга чүмаман баъзан [2,19].

мисраларида шоирни баъзан түндирған, баъзан шириң хаёлга чүмдирған күз оқшоми манзараси: юлдузлардаги тундлик ва ёввойилик, қамишзор ва шовуллаётган сойдаги анвойилик, совуқ ва ёқимлиликдір. Күз бир қараңда хазон қүшиғини күйлаётгандек, бир қараңда эса мангалигини намоён әтмоқда. Шу боис тим қора осмон, юлдузларнинг тунд ва ёввойи боқишилари гүзәл күринади. Шу боис қамишзор ва шовуллаётган сой совуқ, ёқимли, анвойи.

Күздеги маъюслик ва безовталиқ одамзот қалбидаги кечинмаларга үйғун:

Нимани хоҳлайман? Истагим нима?  
Чангалзор шовқинин тинглаб тураман.  
Япроқлар бандида кезган жимгина  
Маъюс ва безовта кузни құраман.  
Унинг қүшиғида, унинг охида

Сезаман одамзот қалбин гоҳида [2,19]

тарзда шоирға япроқлар бандида кезаётган маъюс ва безовта куз ҳолати умри поёнига етаётган одамзотнинг қалб нолалари, қүшиғига үхшайди, гүё.

Унга бары бирдей ҳаёт ва ўлим,  
Гүёки кекса чол сүнггини ўйлар.  
Ва секин силкитиб қаҳрабо құлин,  
Күрганин-білганин бирма-бір сүйлар.  
Бир ҳикмат ўқийман хазонлардан мен:

“Яшагину бироқ япроқ бўлма сен”[2,19-20]

ифодасида куз “ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган кекса чол” қиёфасига киради. Унинг учун ўлим қўрқинчли эмас, ҳаётнинг ҳам қизиги қолмаган. У энди фақат ўтмиши, хотираларидан сўзлайди. Хазонлар эса гўё “биздек тез тўклима, узоқ яшагин” дея дуо қиладилар.

Шоирни мангу саволлар ўйга толдиради. Бу анадиплосис (бириңчи мисра охирида келган бирон сўзнинг иккинчи мисра бошида такрорланиб келиши. Бу шеърий санъат Шарқ поэтик атамасида “радд-ул-аруз ил-ал-ибтидо” дейилади.) асосидаги сатрларда ифодаланади. Шеър банди бошдан-оёқ риторик сўроқлар асосига қурилгани фикр динамизми ҳамда тадрижий такомилини таъминлаган. Инсоният яратилибдики, ушбу саволларга жавоб топишга ожиз:

Мангу яшилликнинг маскани қайда,  
Қайдадир хазонни билмаган баҳор?  
Нечун у ҳовлиқиб оқкувчи сойда,  
Чавандоз умрининг қайтмас сөхри бор?  
Нечун үйғонади қайтадан баҳор,  
Нечун инсон умри бўлмагай тақрор?..[2,20]

Шарқ мумтоз шеъриятидаги “тажоҳил ул-ориф” санъатини ёдга солувчи юқоридаги сатрларда шоир умрни қадрлашга, инсонни эъзозлашга ҷақиради. Инсон муazzам борлиқнинг бўллаги, зарраси. Инсонга хос жиҳатлар табиат учун ҳам бегона эмас. Лекин бир жиҳатдан шоир ғуссага ботади: у ҳам бўлса ҳар йили қайтадан үйғонгувчи баҳор сингари инсон умрининг тақрор бўлмаслигидир. Инсонни ҳаётлигига эъзозлашга, меҳр-муҳаббат кўрсатишга ундаш ғояси шеър асосини ташкил этади.

Мени саволларга кўмар дафъатан  
Хазоннинг тақдири, сўнгги шовқини.  
Кўзимга кўринар умрим қайтадан,  
Гарчи сурмакдаман баҳор шавқини,  
Гарчанд йигит ёшим яшнаб турса ҳам,  
Кексалик қисматин ўйлайман шудам[2,20].

Хазонларнинг мунгли видо шовқини йигирма бир ёшли йигитни ўз умр йўли ҳақида ўйлаб кўришга, келажак тўғрисида қайғуришга ундаиди. Шеър умрнинг ҳар дақиқасини эъзозлаш, дўстликнинг қадрига етиш, инсонга меҳр кўрсатишга ундаш тараннум этилган сатрлар билан яқунланади:

Шу дам туйғуларга тўлади кўнглим,  
Титраб тарашлайман қаламим учин.  
Тонг ҳам ёришади, эй менинг умрим,  
Бунчалар тезлик-ла чопасан нечун?  
Хазонлар шошади, шошаман мен ҳам,  
Дўстим, ҳузуримга шошиб кел сен ҳам!

[2,20]

Ушбу ўринда В.Скоттнинг “Вақт ва сув тошқини ҳеч қачон кутиб турмайди”, деган сўзлари ёдимизга келади. Инсон умрнинг қадрига етиши, ўзгаларга меҳр кўрсатиши зарур, деган фикр шеърда етакчилик қилади. Бандлари бошдан-оёқ секстина асосида бўлган ушбу шеър а-б-а-б-в-в; г-д-г-д-е-е ва ҳ.к. тарзда қофияланишга эга. Ушбу ўринда “Асқад Мухторнинг ҳар бир воқелиқдан ҳикмат топа биладиган, уларни мўъжиза деб англайдиган донишманд шахс, ушбу синоатларни асарга таъсирчан муҳрлайдиган ҳассос қалам соҳиби экани англашилиб туради”[3,526] деган сўзларни

Абдулла Орипов ижодига ҳам тўла татбиқ этиш мумкин.

Хуллас, “Куз хаёллари” шеърида доимо долзарблигини сақлаб қолган инсон умри ва унинг мазмуни билан боғлиқ муҳим мавзу қаламга олинган. Шоир кузнинг

бетакрор манзараларини маҳорат билан акс эттириш орқали инсоннинг яшашдан мақсади ўзгаларга меҳр кўрсатиш, қисқа умрни мазмунли ўтказиш ҳақидаги фалсафий фикрларни ифодалашга эришади.

**Адабиётлар:**

1. Воронцов Вл. Тафаккур гулшани. – Т.:Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
2. Орипов А. Муножот. Сайланма. – Т.: Faafur Fулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992.
3. Sabirdinov A. LITERATURE-AESTHETIC VIEWS OF THE ASKAD MUKHTAR (ON THE EXAMPLE OF "TUNDALIKLAR") EPRA International Journal of MULTIDISCIPLINARY RESEARCH (IJMR). Volume-6. Issue-11. November 2020. SJIF Impact Faktor: 7.032. ISI I.F.Value: 1.188. ISSN (online): 2455-3662. DOI:10.36713/epra2013.
4. Khamidov M. Interpretation of the image of Mashrab in Uzbek storytelling. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal. Published by South Asian Academic Research Journals. A Publication of CDL College of Education, Jagadhri (Affiliated to Kurukshetra University, Kurukshetra, India). ISSN (online): 2249-7137. Vol. 10, Issue 12, December 2020. Impact Faktor: SJIF 2020=7.13.